

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «АНДИЖОН-ФАРМ» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикамызда юкори технологияли фармацевтика корхоналарини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга инвестицияларни, энг аввало, Ҳиндистон Республикасидан тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб этиш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, икки бозорни ўзимизда, шу жумладан, маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган юкори сифатли дори воситалари билан тўлдириш, шунингдек, Андижон вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш асосида янги иш ўринларини яратиш ва республикамыз аҳолиси даромадларини ошириш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлигининг Андижон вилояти Андижон туманида “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда — “Андижон-фарм” ЭИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
- Қуйдагилар “Андижон-фарм” ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин: юкори қўшилган қийматли, шу жумладан, “in-bulk” шаклида фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни ташкил этиш учун, энг аввало, Ҳиндистон Республикаси етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва илгор технологияларини жалб этиш; доривор ўсимликлар хом ашёсини қайта ишлаш ва тайёр дори воситалари, тиббийё буюмлари, тиббий техникалар, ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этиш; доривор ўсимликлар хом ашёсини ўзига хос табиий шароитларда етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш борасида Андижон вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

эркин иқтисодий зоналар ташкилотлари ҳамда республикамизнинг бошқа корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ва саноат кооперациясини ривожлантириш орқали маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёси ва материаллари негизида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш; “Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудида муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, унинг ҳудудида сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш; “Андижон-фарм” ЭИЗнинг соҳа кадрларига бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юкори малакали мутахассисларни, шу жумладан, уларнинг “Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудида жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташни ташкил этиш орқали тайёрлашда қатнашиш.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

Корея Республикаси адлия вазири: «Юртингиздаги янгиланишларга ўз ҳиссамизни қўйишдан беҳад мамнунмиз»

Шу кунларда мамлакатимизда Корея Республикаси адлия вазири Пак Сан Ги бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Ташриф давомида турли идора ва ташкилотларда учрашувлар ўтказилмоқда.



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасида делегация аъзолари билан кечган мулоқотда кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб, жадал ривожланиб бораётгани қайд этилди. Пак Сан Ги бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди: — Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга ошириляпти. Албатта, Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари юкори поғонага кўтарилиб бормоқда. Юртингиздаги янгиланишларга ўз ҳиссамизни қўйишдан беҳад мамнунмиз. Бу — биз учун фахр.

рифимиз давомида Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси билан Корея Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида имзоланган битим прокуратура соҳасидаги ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришга туртки беради. Мазкур ҳужжат ўз ичига жиноятчиликнинг олдини олишда истикболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш каби муҳим масалаларни қамраб олган. Шунингдек, тажриба алмашинуви ҳамда илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳам алоқаларни янада кучайтирамиз.

Р. ШЕРҚУЛОВ
тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЁЁ-МОЙ ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА СОҲАНИ БОШҚАРИШДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда ёғ-мой тармоғини ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва тайёр маҳсулотлар ассортиментларини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ҳақиқий ҳолат шунки кўрсатадики, ёғ-мой тармоғини бошқаришнинг ягона тизимининг йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш механизмнинг самарасизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги илгор технологияларни ўзлаштиришга, инвестицияларни жалб қилиш ва тармоқнинг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хом ашё базасининг чегараланганлиги оқибатида тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси **50 фоиздан** ошмайди, бу давлат иштирокидаги ёғ-мой корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини янада қисқартириш, республика ёғ-мой тармоғининг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ва соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш учун шароит яратиш мақсадида:

- Ёғ-мой саноати корхоналари, “Ўзпахтаёғ” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик):
“**Ўзпахтаёғ**” АЖ негизида **Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасини** (кейинги ўринларда — “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси) ташкил этиш ҳамда унга “Ўзпахтаёғ” АЖга тегишли бўлган мол-мулк ва бошқа маблағларни, шунингдек, дебитор ва кредитор қарздорликларни ўтқа-

зиш, “Ўзпахтаёғ” АЖга тегишли ҳўжалик жамиятларининг устав капиталидаги кўчмас мулк ва акциялар пакети (улуши) бундан мустасно;

ҳўжалик жамиятларининг устав капиталидаги “Ўзпахтаёғ” АЖнинг **акциялар пакети (улуши)ни** 1-иловага мувофиқ Агентликка **ўтказиш тўғрисидаги** таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйдагилар маълумот учун қабул қилинсин:

ихтиёрий равишда аъзо бўлган ёғ-мой саноати корхоналари ва ташкилотлари “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси аъзолари ҳисобланади; “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси ижро аппаратынинг тузилмасини тасдиқлаш унинг таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади;

“Ўзёғмойсаноат” уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг тақдимномасига асосан унинг таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланади; “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси фаолиятини жорий таъминлаш ва молиялаштириш унинг аъзоларининг бадаллари ва ажратмалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. “Ўзёғмойсаноат” уюшмасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: ёғ-мой хом ашёларини қайта ишлаш ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ягона комплекс сифатида ёғ-мой саноатини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий бозор муносабатларини тармоққа кенг жорий қилиш; “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси аъзо ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).



ҲИНДИСТОН МАРВАРИДИНИНГ ЙИРИК ХАЛҚАРО ФОРУМИ

Эртага Ҳиндистоннинг Гужарат штатида “Жўшқин Гужарат — 2019” IX халқаро саммити бошланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифи биноан мазкур халқаро инвестиция саммитида иштирок этиш учун ушбу мамлакатга амалий ташриф билан боради.



Айни дамда Гужаратда халқаро саммитга тайёргарлик кизгин давом этмоқда.

“Жўшқин Гужарат” халқаро инвестиция саммитида Давлатимиз раҳбари саммит ялпи сессиясида нутқ сўзлайди, шунингдек, Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги, халқаро ва минтақавий сиёсат масалаларини муҳокама қилиш учун Бош вазир Нарендра Модидан музокаралар ўтказилади.

Шу ўринда мазкур форумнинг аҳамияти, унинг нима сабабдан Гужарат штатида ўтказилаётгани ҳақида сўз юритсак.

Гужарат Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган, савдо, бизнес ва инвестиция соҳасида жозибадор ҳудуди ҳисобланади.

Ўтказиш ташаббуси 2003 йилда ўша пайтда Гужарат асосий вазири лавозимида ишлаган ва Ҳиндистоннинг ҳозирги Бош вазири Нарендра Модидан илгари сурилган. Бундан кўзланган мақсад сармоялар жалб этишнинг барқарор суръатларини тиклаш бўлган. Штатнинг маъмурий маркази Гандинагар шаҳрида ўтказиб келинаётган “Жўшқин Гужарат” саммити энг йирик халқаро форумлардан бири саналади. Унда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, халқаро ташкилот ҳамда трансмиллий корпорациялар етакчилари, нуфузли таҳлилчилар, экспертлар қатнашади. Саммит давомида Ҳиндистон ҳамда бошқа мамлакатларнинг иқтисодий имкониятлари тақдим қилинади.

Гужарат (Gujarat) — Ҳиндистон гарбида жойлашган. Аҳолиси 60 миллиондан зиёд бўлиб, штатлар орасида тўққизинчи ўринда туради. Ҳиндистоннинг марвариди, дея эътироф этилади. Бу штат атоқли давлат арбоблари Маҳатма Ганди ҳамда ҳозирги Бош вазир Нарендра Модидан тўғилган маскан сифатида ҳам машҳур. Ҳудудда 5 минг йил муқаддам цивилизация гуллаб-яшнаган. Шунинг учунми Гужаратда қадимий ибодатхоналар жуда кўп.



Хамкорлик

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАКТАБЛАРДАН БИРИГА ИОГАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ НОМИ БЕРИЛДИ

Мамлакатимизда 2018/2019 ўқув йилида немис тили дарс сифатида ўқитиладиган мактаблар сони 54 тага (жами 1 677 мактаб), немис тили чуқурлаштирилган ҳолда ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаблар сони 9 тага етди.

Халқ таълими вазирлигидан маълум қилишларича, Германиянинг хориждаги мактаблари Марказий бошқармани ва Гёте институти Тошкент филиали билан “Мактаблар: келажақ ҳамкорлари” лойиҳаси доирасида кенг қўламли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар йили юртимиздаги немис тили ўқувчилари учун турли семинар ва тренинглар ташкил этилмоқда, улар Германияда малака ошириш курслари ва семинарларда қатнашиб қайтляпти. Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 60-ихтисослаштирилган мактабга немис шоири Иоганн

Вольфганг Гёте номи берилиши бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Ушбу таълим масканида ўқувчиларнинг билим олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, компьютер хонаси, лингафон ва бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган аудиториялар, ўзбек ҳамда немис адабиёти, дарсликлари, матбуот нашрлари билан бойитилган кутубхона ўғил-қизларнинг чет тилини ўрганишига кулай имконият яратмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАРҚ ШЕЪРИЯТИ ОШУФТАСИ

Буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте Шарқ халқлари тиллари ва тарихи, адабиёти ҳамда диний-фалсафий қарашлари, удумли ва урф-одатларига ёшлагидан қизиқиб, Шарқ шеъриятини юксак қадрлаган ижодкор эди.

Унинг кўплаб асарлари қаторида Курьон ва хадислар тарихи, пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) таржимаи ҳолига оид изланишлари ҳам муҳим ўрин тутати. Унинг бу мавзуга эътиборини Шарқ ва Фарби боғлаб туруви адабий кўприк, дейиш мумкин. Ўзбек адабиётининг турли авлодига мансуб ижод-

корлар Гёте асарларини ўзбек тилига ўғириб, ундан адабий озуқа олганлар. Жумладан, таниқли шоир ва таржимон Садриддин Салим Бухорий Гётенинг “Фарбу Шарқ девони”ни аслиятдан ўзбекчага таржима қилиб, шу асар матни ва унга оид илмий тадқиқотларни китоб ҳолида ўқувчиларга тўхфа этган.

*Беш ҳислатдан беш ҳислат жудо эрур,
Беабабга наст тийнат оино эрур.
Ким такаббур, эсда тут, дўст бўлмагай,
Ким ёвуздор марди холис бўлмагай.
Ким ҳасадгўй, ҳеч ҳаёси йўқ унинг,
Ким фирибдор, эътиқоди йўқ унинг.
Сен агар кетсанг буларни тарк этиб,
Ўйлаким, билдинг балолардин ўтиб.*

«Фарбу Шарқ девони»дан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «АНДИЖОН-ФАРМ» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Белгилансинки: “Андижон-фарм” ЭИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин; “Андижон-фарм” ЭИЗ фаолият юритадиган муддат давомида унинг ҳудудига алоҳида солиқ ва божхона тартиблари амал қилади.

4. Қуйидагилар: “Андижон-фарм” ЭИЗ иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 декабрдаги ПФ–5600-сонли Фармони талабларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 26 октябрдаги ПФ–4853-сонли Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари қоидалари;

“Андижон-фарм” ЭИЗ дирекциясига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уруғ”т, “Ёнқудон”, “Қўқон” ва “Хазораст” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 12 январдаги ПФ–4931-сонли Фармонининг 8-банди қоидалари татбиқ этилсин.

5. Андижон вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳити муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда “Андижон-фарм” ЭИЗга кирувчи ҳудудлар чегараларини белгилашни ва “Андижон-фарм” ЭИЗ дирекцияси фаолиятини ташкил этишни назарда тутувчи ҳужумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Белгилансинки, “Андижон-фарм” ЭИЗ дирекциясининг функциялари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тавсияларини инобатга олган ҳолда Андижон вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг қарорига асосан, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш ва бошқариш таҳрибасига эга бўлган хорижий компанияларга, биринчи навбатда, ҳинд компанияларига берилиши мумкин.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент фармацевтика институти билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига Андижон вилоятининг тупроқ-иклим шaroитларидан келиб чиққан ҳолда, саноат плантациялари ташкил қилиш учун доривор ўсимлик турлари рўйхатини, шунингдек, маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёсидан фойдаланган ҳолда доривор моддалар (субстанциялар) ва дори воситалари ишлаб чиқариш соҳасидаги янги илмий тадқиқотлар натижаларини тизимли равишда тақдим этиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хўмат қўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ “Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудини, шунингдек, унинг иштирокчиларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратўзимласи билан қафоллати таъминласин.

9. Андижон вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хўмат қўрсатиш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда уч ой муддатда белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган “Андижон-фарм” ЭИЗнинг бош режасига асосан “Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудида муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратўзимласини жадал ривожлантириш дастури

лоиҳасини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда ҳар йили келгуси йилга Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришда “Андижон-фарм” ЭИЗнинг белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бош режаси асосида “Андижон-фарм” ЭИЗнинг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратўзимласини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин.

11. “Андижон-фарм” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича қуйидагилар:

Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК* ДУК — буюртмачи этиб;

танлов асосида аниқланган лойиҳа ташкилоти — бош лойиҳа ташкилоти этиб;

Андижон вилоятининг маҳаллий бюджети маблаглари, шунингдек, қонунчиликда таққиланмаган бошқа манбалар — молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Андижон-фарм” ЭИЗга, энг аввало, Хиндистон Республикасидан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва илгор технологиялари жалб этиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин ҳамда 2019 йилнинг биринчи чорагида “Андижон-фарм” ЭИЗ тўғрисида Хиндистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда тақдимот ўтказилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги буюртманомаларига биноан “Андижон-фарм” ЭИЗда жойлашадиган корхоналарнинг инвестициявий хodимлари ва уларнинг оила аъзоларига кириш, шу жумладан, қўп марталиқ визаларни консуллик ва бошқа йўғимларни ундирмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги буюртманомаларига биноан “Андижон-фарм” ЭИЗдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда қўп марталиқ визаларни бериш ва муддатини узайтириш ҳамда вақтинчалик яшаш жойи бўйича пропискага қўйиш ва муддатини узайтириш давлат божи ундирмасдан амалга оширилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги буюртманомаларига биноан республикага (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида мавжуд бўлмаган) ишчи кучини жалб этишга рўхсат берилиши (узайтирилиши), шунингдек, ушбу фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқининг белгиланган тартибда берилиши (узайтирилиши)ни таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Андижон вилояти ҳокими Ш. Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 14 январь		
Тошкент шаҳри, 2019 йил 14 январь		
Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд хом ашё ресурсларидан, инфратўзимлар, меҳнат ресурслари ва бозор эҳтиёжидан ҳамда ҳудуддаги мавжуд қувватлардан келиб чиққан ҳолда, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни лойиҳалаштиришда тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама амалий ёрдам қўрсатсин.		
12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда ёғ-мой саноати тармоғида амалга ошириляётган ишопхотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия қилинсин.		
13. “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ёғ-мой саноати тармоғи кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича илмий-амалий марказни ташкил этиш чораларини қўрсин.		
14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар билан биргаликда “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси зиммасига юкланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришда амалий ёрдам қўрсатсин.		
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Ўзёғмойсаноат” уюшмасини статистик маълумотларни мажбурий тарқатиш реестрига киритсин.		
16. “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси Тошкент шаҳри, Шота Руставели қўчаси, 8-йи манзили бўйича бепул фойдаланиш ҳўқуқи асосида жойлаштирилсин.		
17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳўжжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгатириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.		
18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б. М. Мавлонов ва Г. К. Саидова зиммасига юклансин.		
Ўзбекистон Республикаси	Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 16 январь		

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, хом ашёни чўқур қайта ишлашда ва сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, озуқа-ем базасини кенгайтириш, ички бозорни ёғ-мой маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашда тармоқ корхоналарига қўмаклашиш;

ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича илгор хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашда, юқори ўнумли замонавий инновацион технологияларни жорий этишда, мазкур мақсадлар учун инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда тармоқ корхоналарига қўмаклашиш;

ёғ-мой тармоғининг стандартиштириш ва сертифицилаштириш тизимларини халқаро талаблар ва стандартларга ўйналштириш орқали уни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

хом ашё базасини ривожлантириш ҳамда ёғ-мой тармоғи ташкилотларининг мойли ўсимлик уруғларини етиштирувчилар билан ўзаро муносабатлари механизмни такомиллаштириш;

ёғ-мой саноати соҳасида кадрларни тайёрлашга бўлган реал эҳтиёжни ва истиқболли йўналишларни аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда иштирок этиш, мазкур соҳада илмий тадқиқот ишларини чўқурлаштириш;

тармоқни жадал ривожлантириш ва ёғ-мой саноатининг барқарор фаолият қўрсатишига тўқсинлик қилаётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур соҳадаги қўнун ҳўжжатларини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш.

4. Белгилансинки, 2022 йил 1 январга қадар: “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси молия-мулк солиқи ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлашдан озод этилади; ташкилотларнинг шартномалар асосида “Ўзёғмойсаноат” уюшмасига ажратмалари юридик шахслар фойда солиғининг солиққа қортिलाдиган базасидан чиқарилади.

5. “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси таркибига қирадиган ташкилотлар **2021 йил 1 январга қадар:**

ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш мақсадида импорт қилинадиган ёғ-мой хом ашёлари ҳажми ТИФ ТН кодлари 1201 — 1207 гуруҳи (соя дўккағи, кунгабоқар ва бошқа мойли ўсимликлар уруғлари) бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ОЛГАНЛИК ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги аризаларни факатгина Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Давлат инспекциясига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин: Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари рейтингини тузиш ва расман эълон қилиш;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш;

дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва миллий олий таълим муассасаларининг ушбу рейтингларга киришига ҳар томонлама қўмаклашиш.

3. Миллий олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ҳамда ушбу муассасаларда кадрлар тайёрлаш сифатини, жумладан, халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани жорий этиш орқали ошириш юзасидан **ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси**га тақлифлар киритиб бориш учун масъул бўлган **Давлат инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари лавозими киритилсин.**

Белгилансинки, Давлат инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилди ҳамда мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шaroитлари бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади.

4. Давлат инспекциясининг бошқарув хodимлари чекланган сони 108 нафардан иборат янгиланган ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун ижроси мунтазам ўрганиб борилади

Бугунги кунда республикамиз ҳудудидаги 7 минг 300 та моддий маданий мерос объекти орасидан табиий ва техноген ҳodисалар салбий таъсир этаётганларини аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, оқибатларини камайтириш ва бартараф этиш бўйича олиб бориляётган ишлар Олий Мажлис Сенатининг **Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси** томонидан ўрганилган. Маданият вазирининг бу борада Хоразм вилоятида амалга ошириляётган ишлар юзасидан ахбороти эшитилган. Унинг ақунларига қўра, асосланган тақлифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга киритилган.

Олий Мажлис Сенатида

Умуман, ўтган йилда қўмита томонидан 4 та назорат тадбири ўтказилган. Бу ҳақда қўмитанинг 2018 йил давомида амалга оширилган ишлар ва 2019 йилдаги вазифалар-га бағишланган анжуманида айтиб ўтилди.

Қўмита фаоллари томонидан “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг Тошкент шаҳрида-даги ижроси юзасидан ўрганишлар ўтказилган. Адлия, молия, иқтисодиёт ва саноат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш каби ўнга

ақин бош бошқармалар ва бошқа идоралар

фаолиятни ташкил қилинганда, айрим жи-ддий камчиликларга йўл қўйиляётгани маъ-лум бўлди. Давлат тили нуфузини ошириш, соғлиғини сақлаш, уни бойитиб бориш ме-ханизмларини такомиллаштиришга қаратил-ган қатор амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. 2018 йил 24 декабрда Сенат-га Бош вазир имзоси билан мавжуд хато-ларни бартараф этиш бўйича “Йўл харита-

си” тақдим этилди. Унинг ижроси эса 2019 йил давомида сенаторлар томонидан ўрганилиб борилади.

Шунингдек, “Болаларни уларнинг соғли-ғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг Халқ таъли-ми вазирлиги тизимида ижро этилишини ўрганиш режалаштирилган.

Сенатнинг **Халқаро муносабатлар, таш-қи иқтисодий алоқалар, хорижий инвес-тициялар ва туризм масалалари қўмита-си** томонидан ўтказилган анжуманда ҳам унинг фаолиятига оид бир неча қизқарли ва салмоқли маълумотлар тақдим этилди.

Тошкент шаҳрига инвестицияларини жалб қилиш — қўмита назоратидаги муҳим маса-лалардан бири. Хусусан, бу йўналишда Се-нат тегишли вазирлик ва идоралар, компа-ния ва агентликлар билан биргаликда ин-вестиция лойиҳаларини туманлар иқтисо-дига янада тезроқ киритиш юзасидан на-зоратни йўлга қўйган. Хусусан, бу ишлар пойтахтнинг Олмазор туманида жадаллик билан олиб бориляпти. Ҳар бир сектор раҳбари ўз ҳудудида 20 миллион доллардан

бажарганиги учун мукофот пули, шунингдек, мамлакат ичида ва ташқарисидаги хизмат сафдарлари харажатларини тўлаш тарзида хodимларнинг моддий рағбатлантирилишга йўналтирилиши мумкин.

7. Давлат инспекциясига Жамғарманинг маблаглари ҳисобидан қуйидаги харажатларни тўлашга рўхсат этилсин:

Давлат инспекциясига юклатилган вазифа ва функцияларини бажариш дорисида давлат органлари ва ташкилотлари, илмий ва олий таълим муассасалари етакчи халқаро ва хорижий ташкилотларнинг малакали мутахассислари, шу жумладан, таълим соҳасидаги хорижий экспертлар ва хорижда яшайтган ватандошларни маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш;

Давлат инспекцияси хodимларини илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларда, шу жумладан, хорижда ўқитиш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш;

Давлат инспекцияси, унга идоровий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бўлимларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат инспекцияси тасдиқланган лойиҳа-смета ҳўжжатларига мувофиқ, Давлат инспекциясининг бино ва иншоотларни реконструкция қилишни Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг келгуси йиллардаги давлат дастурларига киритилишини таъминласин.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдухакимовга — юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши юзасидан вазирлик ва идораларни мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу қарорнинг бажарилишини мунтазам қўриб қиқиш юзасидан;

Давлат инспекциясининг бошлиғи У. Н. Ташкенбаевга — мазкур қарорга мувофиқ жорий этиладиган хорижий мамлакатларда берилган

таълим олганлик тўғрисидаги ҳўжжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш) тартибидан амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш, мазкур соҳадаги қўнунчиликни янада такомиллаштириш бўйича сифатли ва пухта ишлаб чиқилган тақлифларни киритиш юзасидан шахсан жавобгар эканикликлари қўрсатиб ўтилисин.

10. Давлат инспекцияси манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

а) қуйидаги бўйича янги йўғимлар микдорларини тасдиқлаш: хорижий мамлакатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳўжжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш);

миллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан берилган расмий ҳўжжатларга аподистль қўйиш;

б) қўнун ҳўжжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгатириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 16 январь		
Омбудсманлар ўртасида МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ		
1➡ Ушбу механизм ишга туширилган вақтдан бери минглаб одамларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимояси таъминланди. Бундан ташқари, одам савдоси, коррупцияга қарши курашиш, қийноқлар, мажбурий, жумладан, болалар меҳнатига бўғтқул чек қўйиш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Энг муҳими, суд-ҳуқуқ тизими, жиноят қўнунчилиги босқич-ма-босқич ислоҳ этилмоқда. Мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва нодавлат институтлари фаолият қўрсатяпти. Улар сафига яна бир институт қўшилди — Президент ҳузурида бизнес омбудсман жорий этилди. Айни пайтда Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича вакил институти масаласи ўрганиб чиқилмоқда. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси, унга риоя этиш ва рағбатлантириш масалаларида халқаро ҳамкорлик қилишга ало-ҳида эътибор қаратилади. Шу муносабат билан томонлар ке-лажақда алоқаларни ривожлантириш имкониятлари, хусусан, меҳнат мигрაციyasi ва шартномавий-ҳуқуқий базани такомил-лаштириш хусусида сўз юритилди.		
Мунисхон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.		

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДА 22 ТА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ



Сўнгги йилларда мамлакатимизда электр-маиший техникаларни ишлаб чиқариш ҳажми 30 баробар ошиб, экспорт ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Электротехника маҳсулотларининг 60 дан ортиқ янги турлари ўзлаштирилди. Бироқ бу қаноат қилса бўладиган рақамлар эмас. Мисол учун, 2017 йилда электротехника саноатига жалб қилинган инвестициялар атиги 100 миллион АҚШ долларига етган. Бу республика

Мансур ХОШИМОВ, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари:
— Шу қўнғача электротехника саноатида қатор муаммолар мавжуд эди. Масалан, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун керак бўладиган асосий хом ашё материаллари импорт қилинарди ва бу логистика хизмати харажатлари қimmatлиги учун товарлар таннархи ошиб кетишига сабаб бўларди. Яна бир муаммо шу эдики, тайёр маҳсулотларни экспорт қилишдаги йўл харажатлари нархи баланд эди. Бу ҳам ушбу турдаги товарларнинг ташқи бозорга чиқишига тўсқинлик қилаётганди.

Президентимизнинг “Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан соҳадаги ушбу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида амалиётга қатор янгилар жорий этилди. Биринчидан, “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компаниясини негизда ўзбекистон электротехника саноати корхоналари

лика миқёсидаги жами сармояларнинг, бор-йўғи, 0,8 фоизи дегани, холос. Ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотларининг ЯИМдаги улуши 717,9 миллион АҚШ долларини, яъни 1,5 фоизни ташкил қилади. Ҳолбуки, саноатнинг мазкур тармоғи энг сердаромад соҳалардан бири бўлиб, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Тўғри, тармоқнинг жадал тараққий этиши учун вақт керак. Лекин мавжуд муаммолар бартараф қилинмаса, кўзланган маррага эришиш осон бўлмайди.

жой инвестицияларни кенг жалб этиш каби комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш билан шугулланади. Қарорга мувофиқ, бир вақтлар “Сино” музоликичи билан ном қозониб, кейинги пайтда унутилаёзган “Сино” АЖнинг давлат акциялари пакетини инвесторларга “ноль” ҳарид қийматида топшириш кўзда тутилган. Маълум бўлишича, корхона 72 миллиард сўмлик қарзга ботган. Уни янги эгасига топшириш билан ана шу қарздорликни узиш ва корхонани соғломлаштириш йўлида инвестициялар киритиш режалаштирилган. Бундай таваккалчиликка бориш учун етарли қасолат бор. Зеро, ҳужжатда саноатнинг ушбу тармоғи иштирокчилари учун қатор имтиёзлар белгиланган берилмоқда.

Фаридун АБДУАЛИМОВ, “Polaris technologies” МЧЖ директори ўринбосари:
— Президент қарори асосида биз, ишлаб чиқарувчиларга импортдан олиб келинадиган хом ашё ва бутловчи қисмлар учун тўланадиган қўшилган қиймат солигини 120 қўн давомида тўлаш имконияти берилди. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, шунингдек, айланма маблағларни тежашда қўшимча қулайлик яратди.

Бундан ташқари, 2022 йилнинг 1 январига қадар “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси мол-мулк солиғи ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлашдан озод этилди. Эндликда электротехника саноатида амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда янгиларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2019 — 2021 йилларда қиймати 153,8 миллион



Қолаверса, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарга ишлаб чиқариш фаолияти натижасида ҳосил бўладиган рангли металл парчалари ва чикиндиларини қайта ишлашга ҳамда қайта ишланган хом ашёни электротехника маҳсулоти ишлаб чиқаришга такроран жалб этишга рухсат берилдиган бўлди. Қисқача айтганда, мазкур қарор Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили учун мўлжалланган ва-зифалар ижросини изчил таъминлашда дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Бош прокуратура хузуридаги Аxbорот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Р. ОТАМУРДОВ тайёрлади.

ДИН ЁКИ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИГА ОИД ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг Ўзбекистонга ташрифи (2017 йил 2 — 12 октябрь) яқунлари бўйича тавсияларни амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлики янада ривожлантириш мақсадида ўтган йилнинг май ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма қарори билан Дин ёки эътиқод эркинлигини таъминлаш юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланган эди.

Парламент ҳаёти

Унинг ижроси қай даражада амалга оширилди? Кўзланган мақсад ва вазифаларга эришилдими? Халқаро ислом академиясида Дин ёки эътиқод эркинлигини таъминлаш юзасидан “Йўл харитаси” ижросининг бориши юзасидан мониторинг ўтказувчи ишчи гуруҳи ҳамда қўйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган йилгилида ушбу саволлар ўртага ташланди. — 52 та тадбирни ўз ичига олган мазкур “Йўл харитаси” ижросига ўтган йилда алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Қўнчилик палатаси қўмитаси раиси, ишчи гуруҳи раҳбари Акмал Саидов. — Режага кўра, уларнинг 40 таси бажарилди. Жорий йилда эса қолганлари рўёбга чиқарилади. Сўнгги икки йилда диний эркинлиқни таъминлаш йўналишида олиб борилган тўб ислохотлар туфайли АҚШ Давлат департаменти диний эркинлик соҳасида “алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхати”дан Ўзбекистон чиқарди.

Жорий йилда қилиниши лозим бўлган асосий — 6 та устувор йўналишни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалалари ҳам муҳокамалар марказида бўлди. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш шулар жумласидандир. Анхуманда мазкур йўналишда муаммолар ҳам йўқ эмаслиги таъкидланди. Мисол учун, аҳоли бандлигини таъминлаш, турли экстремистик оқимларга кириб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатиш ишларини тизимли ташкил этиш, диний таълим моҳиятини тўғри тарғиб қилиш, бу борада ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш муҳим экани қайд этилди.

Дин ёки эътиқод эркинлигини таъминлаш юзасидан “Йўл харитаси”нинг ижроси ҳақида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахбороти эшитилди. Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА МАҲОРАТ ЭЪТИРОФИ

“Халқ сўзи” ҳамда “Народное слово” газеталари тахририяти томонидан Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ижодий танлов эълон қилинган эди.



Ўтган йили Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифалардан келиб чиқиб, муҳим ишларни амалга оширишди. Одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун яратилган имкониятлар, адолат мезонлари, қонун устуворлиги аҳоли онгига янги-ча қарашларни шакллантирди. Ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар ижод ақлидан ҳам тевкорлик, фаоллик, воқеа-ҳодисаларга ҳолис ёндашув кўнжимасини қулайтирди ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бугун матбуотнинг халққа яқинлашуви, унинг муаммоларига кенгроқ эътибор қаратиши ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. “Халқ сўзи” ҳамда “Народное слово” газеталарида йил давомида турли касб эгаларининг юзлаб мақолалари чоп этилди. Уларнинг ҳар бирида ислохотларнинг амалий ифодалари, одамлар дардида дармон бўла-

логия фанлари доктори Афтондил Эрқинови “Как рукописи Навои попала в ФСБ или Странствие бесценного манускрипта” сарлавхали мақолалари учун берилди. Рағбатлантирувчи муқофоларга журналист Гулбаҳор Саидганиеванинг “Сувнинг ҳам тарозиси бор”, Ўзбекистон йилчилик ва от спорти федерацияси мутахассиси Анвар Суноновнинг “Бешигида қавандозлар улғайган юрт”, Олий Мажлис Қўнчилик палатаси депутати Сергей Самойловичнинг экология ва табиат муҳофазаси мавзусларидаги туркум мақолалари, 2-ўрин — биология фанлари доктори, академик Бақридин Зариповнинг “Гид ватанпарвар бўлсагина ҳақиқий профессионал” ва Самарқанд давлат университети ректори, техника фанлари доктори Рустам Холмуродовнинг “Задача сложная, но выполнимая” сарлавхали мақолалари; 3-ўрин — журналист Шахобиддин Расулони “Тог чангиси: “музлаган” муносабат, муаммо ва ечим” ҳамда фило-

Холмуродов. — Тарихий жараёнинг муҳим босқичига ўтмоқда. Бунда мақулавий қўлхатим ким беради, деган савол туғилгудек бўлса, биз газеталаримиз орқали, матбуот орқали ўз чиқишларимиз билан хизмат қилишимиз керак. Бу ўринда матбуот юксак аҳамият касб этади. Негаки, унинг саҳифаларидаги мақолалар одамлар онгини ўзгариштиришга хизмат қилади. Шундагина ислохотларнинг амалга ошиши енгиллашади. Давлат сийосатини халққа тўғри етказишда газетанинг ўрни юқори. “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари мана шу улғу мақсадини амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда. Танлов ғолиблари ва совриндорлари махсус диплом ҳамда эсдариқ совғалар билан тақдирландилар.

Шойим БЎТАЕВ.

Ҳасим ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги диққатига!

«ОЛИМПИАДАЧИЛАР ФАБРИКАСИ»ГА АЙЛАНГАН ТАЪЛИМ ДАРГОҲИДА ШАРОИТЛАР КЎНГИЛДАГИДЕК ЭМАС

Президентимиз сўнгги икки йил давомида Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бир неча бор мулоқот қилди, илм-фанни ривожлантиришга қаратилган ўндан ортиқ фармон ва қарорлар ҳаётга татбиқ этилди. Ўз навбатида, ҳар бир йўналиш бўйича академиклар мактабини яратиш, илмий-тадқиқот институтлари ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, илмий изланишларни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ топшириқлар берди. Бундан юртимиздаги барча педагоглар бирдек мамнун бўлди.

Хусусан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи жамоаси ҳам қатор илмий-тадқиқот даргоҳлари билан изчил алоқаларни йўлга қўймоқда. Масалан, яқинда Фанлар академияси қозидаги Ўсимликлар кимёси ва Биорганик кимё институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича меморандум имзоланди. Шу асосда ўқувчиларнинг амалиёт машгулотлари, лаборатория тажрибаларини ўтказишлари учун зарур шароитлар ҳозирланди. Қолаверса, олимлар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиб бориляпти. Таълим муассасаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган, ўзларининг қийматли вақтлари ҳамда маслаҳатларини аямаятган устозлар ичида Бахтиёр Ибрагимов, Абдулаҳад Жалилов, Мирзиёев Мирабдилов, Турғунпўлат Дамиев каби забардаст академикларимиз бор. Бундай интеграция ўғил-қизлар-

ниг илм-фанга қизиқишини ошириб қолмай, уларнинг нуфузли халқаро олимпиадаларда юқори натижаларни кўрсатишига ҳам хизмат қилмоқда. Бинобарин, яқинда лицейнинг бир гуруҳ ўқувчилари кимё фани бўйича навбатдаги халқаро олимпиада муваффақиятли қатнашди. Кимё фанлари номзоди Елена Деларьиди раҳбарлигида тайёргарлик кўрган ўқувчилардан Жалолиддин Ҳабибуллаев олтин, Маҳбуба Тоирова кумуш медалга муносиб, деб топилди. Равшан Носиров, Жаҳовир Абқаров, Жаҳовир Охунов ва Музаффар Матмуродов эса бронза медалга сазовор бўлди. Дунёга машҳур “СhemiCo” компанияси томонидан Сингапурда ташкил этилган мазкур нуфузли билимлар форумида дунёнинг йигирмага яқин давлатларидан 193 нафар ёш ўз билимни синаб кўрди. Бу биринчи муваффақият эмас.

Депутат фикри ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҲУҚУҚИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Урбанизация — қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарларга айланиши, шаҳар атрофи зоналарининг кенгайиши ва қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга қўчиб бориши ҳисобида юз берадиган жараён. Унга етарлича эътибор қаратилмаса, шаҳарлар аҳолисининг сони ва у ердаги мавжуд инфратузилма, уй-жой, иш ўринлари ўртасида катта тафовут пайдо бўлади. Бу эса ишсизлик, нарх-навонинг ошиши, уй-жой танқислиги, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг етишмаслиги каби қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

Олий Мажлис Қўнчилик палатаси депутатларининг жойлардаги учрашувлари чоғида қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар ва посёлкаларга айлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилишига қарамастан, уй-жой сийосати янгича ёндашувларни жорий этиш зарурати пайдо бўлаётгани аниқ-равшан кўринмоқда. Юрtdошларимиз, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг қулай шартлар асосида уй-жой олиши учун қурилишларни молиялаштириш тизимининг замонавий механизмларини жорий этиш, ҳар томонлама қулай қўп қаватли уйлارни барпо қилишга ўтиш ҳамда коммунал-муҳандислик инфратузилмани ривожлантириш масалалари ўртага ташланяпти. Буларнинг барчаси Президентимизнинг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан ўз ечимини топадиган бўлди.

Мазкур ҳужжатда ер участкаларининг айланмаси ва улاردан фойдаланганда замонавий бозор механизмларини жорий этиш мақсадида урбанизация жараёнларини тўбдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган. Чунончи, 2019 йил 1 июлдан бошлаб юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилган бино-ишотиотлар, саноат инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек, уларга туташ худудлардаги ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур миқдордаги ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эса уларга яқка тартибда уй-жой қуриш ва тураржойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Урбанизация агентлиги ташкил этилди. Мазкур соҳани тартибга солиш борасидаги ягона давлат сийосатини жорий этиш, саноатлаштириш сийосатини суриятлари, босқичлари ва натижаларини узоқ муддатли режалаштириш, шаҳар ва қишлоқлардаги узоқ муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Бундан ташқари, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида ташкил этилаётган Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси ҳам бу борадаги қатор салмоқли ишларга қўмақдosh бўлади. Парламент қўйи палатасида биз, депутатлар томонидан мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижроси ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юзасидан қонунчилигимизга, хусусан, Ер кодексида киритилиши лозим бўлган масалалар ҳамда урбанизация жараёнини жадаллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Аҳад АХМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутати.

риба ўтказишлари учун яратилган шароитлар беқимс. Қани эди, бизда ҳам тажрибалар қилиш, формулаларни амалга ошириш учун қулай шароитларга эга лабораториялар бўлса, бу жабҳада ҳам илгорлар сафида бўлардиқ. Тўғриси, бу йўлда қўлимиздан келганича изланишлар олиб бориляпти. Жанубий Кореянинг Чангвон университети билан ўзаро меморандум имзоланди, Москванинг Ломоносов университети биология, кимё факультетлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Тан олиш керак: бир ўқувчининг истеъдодини юзага чиқариш, сайқал бериш, уни глобал билимлар аренасида рақобатдош мутахассис этиб етиштириш зуда машаққатли иш. Бир қўчак экиб, уни мевали дарахтга айлантиргунга қадар кетган меҳнат бундан осонроқдир. Ушбу масканда ўқиганлар эса хозиргача, тақор айтамин, 50 дан зиёд медаллар олган. Агар бу ердаги моддий-техника базаю лаборатория шароитлари рисоладагидек бўлганда эришиладиган муваффақиятлар янада кўпроқ бўларди. Ушбу маррани забт этиш эса ҳали кеч эмас.

Ортиқбўй ЭШОНҚУЛОВ, ТПТИ академик лицейи директори, биология фанлари доктори, профессор.



Мамлакат мустақилликка эришишидан олдин Гужарат Бомбей штатининг бир қисми эди. 1960 йил 1 май кунини тил кўриниши бўйича Бомбей иккита штатга ажратилади: гужарати тилида

сўзлашувчи аҳоли яшайдиган қисмида Гужарат (шимолда) ва маратх тилида гаплашадиган аҳоли истикомат қиладиган ҳудудда Махараштра (жанубда) штатлари пайдо бўлди. Аввалги Гужаратнинг маъмурий маркази Аҳмадобод эди, 1970 йилда Гандинагарга кўчирилди. Ўтган асрнинг 60-йилларида штат 17 та округдан иборат бўлган. Сўнг қўшимча округлар ташкил этилди ва ҳозир штат 26 та округни қамраб олган.

Ўз алифбосига эга бўлмиш гужарати тилида 46 миллион киши гаплаша-

ди ва дунёда кенг тарқалган тиллар орасида 26-ўринда туради.

Унинг адабиёти минг йиллик тарихга эга. Машҳур адиблар Ачарья Хемачандра, Нарсинх Мехта, Мирабай, Акко, Премананд Бхатт, Панналат Пател, Ражендра Кешавлол Шоҳ каби ижодкорларнинг асарлари ҳамон севиб ўқилади.

Гужарат Ҳиндистондаги пахта ва ерёнгоқ маҳсулотлари етиштириладиган штат ҳамдир. Вирамгама, Нарбада ва Дхадара туманларидан Ҳиндистондаги энг аъло сифатли пахта навларини топшиш мумкин. Шунингдек, гуруч, фалла ва маккажўхори ҳам етиштири-

лади. Штат умумий ҳудудининг ярми экин майдонларидан иборат. Бу штатда чорвачиликка ҳам катта эътибор қаратилади.

Мазкур штатда 10 та аэропорт бўлиб, Сардар Валлабхбай Пател номидаги халқаро аэропортдан ташқари уларнинг ҳаммаси маҳаллий йўналишларга хизмат кўрсатади. Мумбай-Дехли йўналишида жойлашган Вадодара шаҳридаги темир йўл вокзали хизмат кўрсатиш даражаси бўйича Ҳиндистонда тўртинчи ўринда туради.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

жиҳатларига бағишланган семинарлар (STEM), аэрокосмик ва мудофаа сонаотида ҳамкорлик истиқболлари ҳамда имкониятлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Аэрокосмика тармоғи ва мудофаа-саноат комплекси Гужарат учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам янги секторлардир. Мамлакатимиз мутахассислари аэрокосмик ва мудофаа сонаоти учун таркибий қисмлар ишлаб чиқариш соҳасида Гужарат штатида ҳамкорлик тажрибасини урганишмоқчи.

Саммит доирасида, шунингдек, Жаҳон савдо-саноат кўргазмаси очилди. 200 минг метр квадратга тенг майдонда 20 дан ортқ йўналишларни ўз ичига олган павильонлар ва стендлар яратилган. Аэрокосмик ҳамда мудофаа сонаоти, қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, автомобилсозлик ҳамда электротехника, биотехнология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ҳамда фармацевтика, қайта тикланувчи энергия манбалари ва инновациялар, тўқимачилик ҳамда туризм, шаҳар транспорти ва урбанизация шулар жумласидандир.

Ташкилотчиларнинг айтишича, истеъмолчилар ҳамда етказиб берувчиларнинг бир жойга йиғилиби, конференцияларда иштирок этиши, ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиши, технологияларни баҳолаши, стратегик шериклиқни мустақамлашиш мумкин бўлган бу каби форум дунёда саноқли ҳисобланади. Саммит иштирокчиларга тармоқлараро бизнес-майдондан фойдаланиш имконини беради.

Самиджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

БИЗ ва ЖАҲОН

ҲИНДИСТОН МАРВАРИДИНИНГ ЙИРИК ХАЛҚАРО ФОРУМИ

ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА

“Жўшқин Гужарат — 2019” IX халқаро саммитида Ўзбекистон катта делегация билан иштирок этапти. Шунингдек, форумда Канада, Франция, Япония, Чехия, Корея Республикаси, Норвегия, БАА, Дания, Марокаш, Польша, ЖАР, Таиланд, Нидерландия каби мамлакатлар вакиллари ҳам қатнашади.

Ўтган 16 йил ичида саммит минтақавий инвестиция ярмаркасида глобал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари бўйича ижодий гоялар излаш, билим алмашиш ва самарали шериклик муносабатларини йўлга қўйиш бўйича ноёб платформага айланди. Гужарат Ҳиндистондаги иқтисодий жиҳатдан илғор штатлардан биридир. У саноат ишлаб чиқариш бўйича энг юқори ўсиш суръатига эга. Бу кўрсаткич охириги беш йилда 10,4 фоизни ташкил этгани ҳам фикримизга бир мисолдир. Штатнинг Ҳиндистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 16 фоизга тенг. Бу Гужарат маъмурияти томонидан инвестиция сиёсати баҳамжият олиб борилаётгани ва соҳа самарали қўллаб-қувватланаётганига оқилона ёндашиш келтирилган далиллар. Зеро, шу орқали ҳар томонлама ва барқарор тараққиётга эришиш мақсад қилинган.

Инновацияга қаратилган янги Ҳиндистонни шакллантириш даврида Гужарат иқтисодий ривожланиш ҳамда миллий қурилишнинг олдинги сафларида бўлиб келаётганига эса мезбон давлат

Бош вазири Нарендра Модининг ишончи қомил. Ушбу руҳ “Жўшқин Гужарат” саммити асосига ҳам жо этилган ва у Ҳиндистоннинг иқтисодий муваффақияти моҳиятини, ҳақиқатан ҳам, ўзида акс эттирди.

Штатнинг асосий вазири Вижай Рупанинг таъкидлашича, Гужарат 5 000 йилдан ортқ вақт давомида савдо ва тижорат маркази бўлиб келган. Уша пайтларда Лотал порти Ҳиндистонни дунё билан бириштириб турар эди. Бугун ҳам Гужарат ишбилармонлик салоҳиятига таянган ҳолда, Ҳиндистон имкониятларини дунё ҳамжамияти учун тақдим этувчи дарвозага айланмоқда. У бошқарувнинг самарали тизими, замонавий инфраструктуралар ва бизнес юритиш имкониятлари асосида миллий ижтимоий-иқтисодий юксалиш йўлига қатъий содиқдир.

2017 йил январь ойида бўлиб ўтган “Жўшқин Гужарат” VIII халқаро инвестиция саммитида 100 дан ортқ давлатлардан 25 миңдан зиёд делегатлар, жумладан, давлат раҳбарлари, Нобель мукофоти лауреатлари, дунё саноати етакчилари иштирок этганди. Бу гапги форум ҳам аввалги-

■ Гужарат саноат ишлаб чиқариш бўйича энг юқори ўсиш суръатига эга.
■ Бу кўрсаткич охириги беш йилда **10,4 фоиз**ни ташкил этди.

■ Штатнинг Ҳиндистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши **16 фоиз**га тенг.

“Жўшқин Гужарат — 2019” саммити дастуридан:

— икки ва кўп томонлама учрашувлар;
— ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли мавзулари бўйича сессиялар;
— илм-фан, технологиялар, техника ва математика тараққиётининг долзарб жиҳатларига бағишланган семинарлар ўрин олган.

● Кўргазма майдони 200 минг метр квадратга тенг;
● 20 дан ортқ йўналишлардаги павильонлар ва стендлар мавжуд.

ларидан асло қолишмайди. Ҳиндистондаги мазкур муҳим халқаро анжуманда бутун жаҳондан қатор давлат ва ҳукуматлар бошқаруви, вазирилари, йирик корпорациялар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, юқори мартабали сиёсатчилар, илмий доиралар вакиллари қатнашади. Уларнинг барчаси ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва ушбу эзгу ишга ҳисса қўйишга тайёрдир.

“Жўшқин Гужарат — 2019” саммити дастури мазмунан бой бўлиб, ўз ичига икки томонлама ва кўп томонлама форматдаги учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли мавзулари бўйича муҳокама сессияларини қамраб олган. Масалан, иштирокчиларда илм-фан, технологиялар, техника ва математика тараққиётининг долзарб

Иновация

ЭНЕРГИЯ ДИДИРИ МОБИЛЬ ТЕЛЕФОН КЎРСАТАДИ

Коровулбозор туманида мавжуд 81 трансформаторга маълумот олувчи баланс ҳисоблагичлар ва бошқа қурилмалар ўрнатилди.

Истеъмолчилар 4 200 га яқин замонавий ҳисоблагичлар билан таъминланди. Шундай қилиб, электр энергияси истеъмолини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилди.

— Энди электр энергияси учун тўловни уйдан чиқмай амалга оширамиз, — дейди истеъмолчи Мардон Олтиев. —

Энергия сарфи ҳақидаги зарур маълумотларни мобиль телефонларимиз орқали олиб турибмиз.

Жорий йилда Бухоро вилоятидаги 177 мингта истеъмолчи манзилга замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиш кўзда тутилган.

Истам ИБРОҲИМОВ,
(«Халқ сўзи») муҳбири.

Ташаббус

КЎЧМА КУТУБХОНА

“Ўзавтотранс” агентлигининг Андижон вилояти бошқармаси томонидан кўчма кутубхона ташкил этилди.

— 2 000 та адабиётни ўзига жамлаган зиё масканимиздан фойдаланиш бепул, — дейди бошқарма раҳбари Ўткирбек Машрапов. — Бугунги кунда аксарият адабиётлар электрон шаклда эканлигини ҳисобга олган ҳолда, Wi-Fi интернет тизимидан фойдаланиш имконияти яратилди. Хоҳлаган китобдан нусха кўчириш учун компьютер жамланмаси бор. Яна бир жиҳати, бу ерда хизмат

кўрсатувчи ходимнинг ўзи йўқ. Фойдаланувчиларнинг мустақил хатти-ҳаракатлари видеокамера назорати остида бўлади.

Саминжон ҲУСАНОВ,
(«Халқ сўзи») муҳбири.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида ролундан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — **42 600** сўм/п.м. • 0,7 мм. — **70 000** сўм/п.м.
• 0,5 мм. — **50 000** сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — **55 200** сўм/п.м.
• RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — **62 400** сўм/п.м.

Тел.: 95-197-00-93, 90-996-96-63, 99-871-88-99.

Маҳсулотлар сертификатланган.

ЭЪЛОН!

Мустақил консалтинг компанияларини танловда қатнашиш учун таклиф қилиш тўғрисида

«Ўзмелиомашилизинг» давлат унитар корхонаси мелиорация техникаси ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва механизация воситаларини сотиб олишда (кейинчалик лизингга бериш мақсадида) тендер савдолари ўтказилишини ташкиллаштирувчи консалтинг компанияларини танлаш бўйича танлов эълон қилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ — 3405-сонли қарорига асосан).

Буюртмалар 2019 йил 15 февраль кунини соат 16.00 га қадар куйидаги манзилда қабул қилинади:
100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.
Маълумот учун телефонлар:
71-239-46-24, 71-239-46-25, 71-239-46-31.
(соат 9.00 дан 16.00 га қадар шанба ва яшанбадан ташқари).
Электрон манзил: info@uzmmil.uz

Белгиланган муддатдан кеч тақдим этилган буюртмалар қабул қилинмайди.

Аниқлик киритамиз: газетамизнинг 16 январь, 10 (7240)-сонини, 6-саҳифаси, учинчи устунлидаги «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот директорининг» матни «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директорининг» деб ўқилисин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ
боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ишхона, қулай ҳамда камҳаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.

«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от қучлига эга.
Дизель ҳамда бензин ёнилқисига ишлайди.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62, 71-234-35-71.

www.motoblok.uz

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги А. П. Хлебущкина номидаги 22-сонли Меҳрибонлик уйи жамоаси Меҳрибонлик уйи тарбиячиси **Лев Альбертович АСРИЯНЦ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Қаримов.
Мусахҳас — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6